Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 12-fevral, payshanba, № 21 (3526)

▽Сайлов – 2015

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Булар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Аввалроқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари ҳам ушбу ҳужжатларни тақдим этганди.

Шу тариқа тўрт сиёсий партия ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжат тақдим этиш жараёнини қонунда белгиланган муддатда якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқиб, уларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳлари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширмоқда. Қонунчиликка мувофиқ имзо варақалари текшириш учун танлаш йўли билан ажратиб олинади. Сайловчилар имзолари миқдорининг камида 15 фоизи ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширувдан ўтказилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларининг тенг миқдордаги сони текшириш учун ажратиб олинади.

Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини уларнинг тўғри тўлдирилганлиги, тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар ёки ўхшаш имзолар мавжудлиги каби жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ўрганиб чиқади. Камчиликлар аниқланган имзо варақалари чуқурроқ текшириш учун ажратиб олинади.

Ишчи гуруҳи имзо варақаларини текширишни ўтказаётган ҳонада сиёсий партияларнинг вакиллари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган ва текширилган имзолари сони, ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар миқдори кўрсатилади. Ушбу ҳужжат Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қарорларига мувофиқ Бош вазир лавозимига Ш.М.Мирзиёев тасдиқланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ:

Мирзиёев Шавкат Миромонович — Бош вазир қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари,

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

2. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Азимов Рустам Содиқович — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари,

1. Иқтисодиёт вазирлиги
2. Молия вазирлиги
3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5. Давлат солиқ қўмитаси
6. Давлат божхона қўмитаси
7. Давлат статистика қўмитаси
8. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Зокиров Ботир Иркинович — Бош вазир ўринбосари — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари,

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
2. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Ибрагимов Ғуломжон Иномович — Бош вазир ўринбосари геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари,

1. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Розуқулов Улуғбек Убайдуллаевич — Бош вазир ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АК бошқаруви раиси машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари

Икромов Адҳам Илҳомович — Бош вазир ўринбосари маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари,

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. Халқ таълими вазирлиги
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Боситхонова Элмира Иркиновна — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

Вазирликлар

Саидова Галина Каримовна — Иқтисодиёт вазири

Ғаниев Элёр Мажидович — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири

Абдуҳакимов Азиз Абдуқаҳарович — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

Тешаев Шухрат Жўрақулович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Мирзоҳидов Хуршид Мирсобирович — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Бердиев Қобул Раимович — Мудофаа вазири

Аҳмедбоев Адҳам Акрамович — Ички ишлар вазири

Комилов Абдулазиз Ҳафизович — Ташқи ишлар вазири

Икромов Музраф Мубаракходжаевич — Адлия вазири

Алимов Анвар Валиевич — Соғлиқни сақлаш вазири

Ваҳобов Алишер Восиқович — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Иноятов Улуғбек Илёсович — Халқ таълими вазири

лавозими бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазири

Худайбергенов Турсинхон Айдарович — Фавқулодда вазиятлар вазири

Давлат қўмиталари

Парпиев Ботир Раҳматович — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович — Давлат божхона қўмитаси раиси

Тўраев Ботир Эшбоевич — Давлат статистика қўмитаси раиси

Ҳидоятов Даврон Абдулпаттахович — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Арабов Саидқул Амирович — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси

Тўрамуратов Илҳомбой Бекчонович — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 11 февраль

▽Муқаддас бурч

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими ўтказилди.

Маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, миллий армиямизни замонавий техника, қурол-яроғ ва малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

— Жиддий рақобат асосида кечган синовлардан муваффақиятли ўтиб, миллий армиямиз сафларига қўшилаётганимдан ғоят бахтиёрман, — дейди чақирилувчи Алишер Сангиров. — Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчиман.

Суратда: *(ўнгда) сержант Анвар Маматқулов муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан.*

ЎзА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ
олган сурат

Журналистика соҳасида “Олтин қалам” Х Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т.Нарбаева, маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Д.Муллажонов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар демократик ислоҳотларнинг муҳим қисмини ташкил этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун танлов журналистиканинг энг илғор ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позициясини намоён этиши, журналистларда танқидий фикрлашни, ўз фаолиятига янгича ёндашувларни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, “Uzreport” ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича энг фаол ижодкорларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда ўн учта — битта бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган.

Ушбу ижодий танлов нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2006 йили ўтказилган “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун танловда 136 журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2014 йилда ўтган IX Миллий мукофот учун танловда 490 нафардан ортиқ ижодкор 7500 га яқин материали билан иштирок этди.

Бу йилги танловнинг ўзига хос жиҳати — асосий мукофотлар қаторига “Энг яхши матбуот хизмати” ва “Энг яхши фоторепортаж учун” рағбатлантирувчи номинациялари ҳам қўшилди.

“Олтин қалам” танлови ғолибларини мукофотлаш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади. Аньянага кўра, БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, “Минтақавий мулоқот” (Словения) каби бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан қатнашади.

Танлов ғолиблари Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида эълон қилинади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

▽ЎзКУФнинг Хотин-қизлар кенгашида

Жамият ва аёл — тараққиётнинг бир-бирига чамбарчас боғланган икки ҳалқаси. Жамият тараққиётини ҳам, оила фаровонлигини ҳам аёл меҳнати ва фидойилигисиз тасаввур қилиш қийин.

АЁЛ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БАРҲАЁТ БУЛОҒИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, «Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир, деган ҳаётий ҳикматдан келиб чиққан ҳолда, йил давомида оилада ўзаро ҳурмат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди». Бундай хайрли ишларда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам алоҳида ўрни борлиги эътироф этилиб, жумладан, шундай дейилди: «...Ана шундай тадбирлар қаторида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1 миллиард 500 минг сўм қийматидаги маиший электр техника воситалари кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилганини қайд этиш лозим».

Дарҳақиқат, Федерация Кенгаши ўз фаолиятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш мақсадида Федерация қошида Хотин-қизлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

— Хотин-қизлар кенгаши ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб бораяпти, — дейди Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари Эътиборхон Раҳмонова. — Жамоа шартномалари ва келишувларини экспертизадан ўтказиш бўйича комиссиялар таркибига Хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари аъзоларининг киритилиши, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномалари «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими туфайли янада кенг мазмун-моҳият касб этишига эришилмоқда. Бу эса, айни вақтда ишловчи хотин-қизлар меҳнат қонунчилигида белгиланганидан ташқари қўшимча имтиёзларга ҳам эга, деганидир. Шунингдек, янги тузилаётган жамоа шартномалари лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид тузилган Бош келишувга мувофиқлаштирилиши, Меҳнат кодексининг 224, 228, 230, 232, 234, 226 ва 237-моддалари асосида қўшимча кафолатлар, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча имтиёзлар, кафолатлар киритилиши орқали кучайтирилаётганлиги айни муддао бўлмоқда.

●○●●▶ 2

2015-yil 12-fevral, payshanba, № 21 (3526), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

"Микрокредитбанк" АТБ касаба уюшмаси ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Уни банк бошқаруви раиси Нозим Ҳусанов олиб борди. Кун тартибидаги асосий масала — 2010 йилнинг февралидан 2015 йилнинг шу давригача бўлган фаолият юзасидан касабақўм етакчиси Й.Жўраевнинг маърузаси тингланди. Шундан сўнг ташкилот тафтиш комиссиясининг ҳисоботи билан танишилди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

— 2013 йил Федерация тизимида "Бошланғич ташкилотлар йили" деб эълон қилиниши ва "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг ўтказилиши, шунингдек, корхона, ташкилотларда фидойилик билан меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида 2 йилда бир марта "Ўз касбининг моҳир эгалари"ни тақдирлаш маросимининг республика даражасида ташкил этилиши бошланғич ташкилотларнинг нуфузини янада ошириб юборди, — деди банк касаба уюшма қўмитаси раиси Й.Жўраев. — Бевосита банкимиз касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятига тўхталар эканмиз, энг аввало, иш берувчи билан жамоа шартномасининг имзоланиши, унга ходимлар учун қўшимча имтиёзлар киритиш ва ижросини таъминлаш қўмита аъзоларининг доимий диққат марказида бўлганлигини қайд этиш лозим.

Шунингдек, бугунга келиб жамоа шартномаси аввалгиларидан тубдан фарқ қила бошлаганлиги, ёшлар ва аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилганлиги таъкидланди.

Ҳисобот-сайлов конференцияда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси А. Абдумухторов сўзга чиқиб, касаба уюшмасининг жамиятимизда тутган ўрни ҳамда афзалликларига алоҳида эътибор қаратди.

Тадбирда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Унга кўра, амалдаги банк касаба уюшма қўмитаси раиси Й. Жўраев ҳамда касаба уюшма ташкилоти тафтиш комиссияси Э.Шокиров кейинги муддатда ҳам фаолиятни давом эттирадиган бўлди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
"Ishonch" мухбири.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида филиал директори Ўктам Эсонтурдиев, ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Мукумов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Раъно Абдалимова ҳамда касаба уюшма фаоллари қатнашди.

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Даставвал, касаба уюшма қўмитаси раиси Бобур Тожибоев бошланғич ташкилотнинг 2010 йил февралидан 2015 йил февралигача бўлган фаолиятига оид маъруза қилди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида жамоа шартномасига асосан муассаса ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, улар учун соғлом ва бехатар меҳнат шароити яратиб берилишига эришиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, касаба уюшмаси қўмитаси иш берувчи билан етарлича ҳамкорлик қилмагани сабабли жамоа шартномаларининг меҳнат муҳофазасига доир бандлари қисман бажарилганига эътибор қаратилди. Натижада, зарарли шароитларда ишловчи ходимлар мавжуд имтиёздан фойдалана олмади. Шунингдек, касаба уюшма қўмитасининг тегишли комиссиялари томонидан жамоа шартномаси шартлари бажарилмаслигининг сабабларини таҳлил қилиш, иш берувчи билан ҳамкорликда муаммоларни бартараф этиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаганлиги тилга олиб ўтилди.

Пировардида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали касаба уюшма ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди. Унга кўра, муассаса иш берувчиси билан тузиладиган жамоа шартномасига киритилган имтиёзлар кўламини кенгайтириш орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишга кўмаклашиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратиладиган бўлди.

Шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежи меҳнат жамоасида ҳам бўлиб ўтди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Сайловдан сайловгача бўлган даврни қандай баҳолаш мумкин? Бошланғич ташкилот етакчилари ўзларига билдирилган ишончни қай даражада оқлай олдилар? Бугун ушбу саволлар ошкора фикр-мулоҳазаларда ўз ифодасини топаётир.

ЖАМОА ИШОНЧИ

Ана шундай қизгин сарҳисоб муҳокамасига Навоий вилоят «Давтехназорат» инспекцияси филиали бошланғич касаба уюшма ташкилотида ўтказилган ҳисобот-сайловда гувоҳ бўлдик. Ғалвир сувдан кўтариладиган паллада меҳнаткашлар ҳимоячиси саналмиш касаба уюшмаларининг 2010 йил февралдан 2015 йилнинг шу давригача бўлган вақт ичида амалга оширган ишлари таҳлил қилинди. Ички имкониятларни янада кенгроқ ишга солиш, имтиёзлардан фойдаланишга оид масалалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Йиғилиш якунида бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов давридаги иш фаолияти қониқарли топилиб, Меҳриддин Саидов номзоди галдаги давр учун ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шундай сарҳисоб «Мадад» суғурта агентлиги Навоий вилоят филиали, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Пахтатранс» акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди. И.Тошпўлатов, И.Каримова, Т.Тошевлар келгуси муддат давомида ҳам ўз ташкилотлари касаба қўмиталарига раис этиб сайланди.

Энг муҳим жиҳат, бу белгиланган жадвал асосида ўтказилаётган 75 та корхона ва ташкилотлар ҳисобот-сайлов йиғилишларида тадбирнинг қатъий талаблар даражасида, белгиланган низом асосида ўтиши таъминланаётганлигидир. Зеро, 9244 нафар аъзолар хоҳиш-истаги ана шу жараённинг адолатли якун топишига боғлиқ.

Фароғат ЮСУПОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман Кенгаши мутахассиси

АЁЛ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БАРҲАЁТ БУЛОҒИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хотин-қизлар кенгаши томонидан 2014 йилда 60 та тармоқ ва ҳудудий келишув, 8 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди ва уларнинг айримларига аёллар меҳнатини тартибга солиш, уларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар акс эттирилган бандлар киритиш бўйича таклифлар берилди.

Бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандларнинг киритилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун имтиёз ва қулайликлар кўламини бир мунча кенгайтириш имконини берди. Жумладан, "Соғлом бола йили" дастури доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5 114 та корхонада фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача бўлган 11 266 нафар аёлга иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан 3 млрд. 68 млн. сўмлик, 2 710 та корхонада ходимларнинг 5 минг 50 нафар фарзандлари чет тилларини ўрганишлари учун 1 млрд. 259,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 28 530 та корхонада 45 698 та оила фарзандларига 2 млрд. 655 млн. сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Нодавлат мулк шаклидаги 2 624 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган болали 6 446 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди ва бунга иш берувчи маблағидан 883 млн. 300 минг, касаба уюшмаларидан 26 млн. 800 минг сўм йўналтирилди. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, касаба уюшмаларининг «Ишонч телефонлари» орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ишлари амалга оширилмоқда. Кези келганда, касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик асосида меҳнат бозорида улар манфаатларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, касбга йўналтириш, қайта ўқитиш, хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари кенг йўлга қўйилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Касаба уюшмалари томонидан турли ҳудудларнинг энг чекка туманларида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиб, улар бандлиги таъминланмоқда. Тизимдаги санаторийларда хотин-қизлар имтиёзли асосларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаяпти. Уларнинг фарзандлари эса сўлим оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда.

ЎзА суратлари

Хотин-қизлар кенгаши томонидан Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси ҳамда уларга хавфсиз ва етарли иш шароитлари яратилиши, Наманган вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзларнинг бажарилиши аҳволи атрофлича ўрганилди.

Хотин-қизлар байрами муносабати билан барча меҳнат жамоаларида "Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш" номли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, фаол хотин-қизлар рағбатлантирилди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида барча ҳудудларда ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаоллик кўрсатди. 1960 нафар эҳтиёжманд оилалардаги аёлларга 1 млрд. 500 минг сўмлик электр жиҳозлари топширилди.

Федерация Кенгаши томонидан 100 млн. сўм маблағ ажратилиши эвазига Навоий вилоятида 16 та, Хоразм вилоятида 20 та, Сурхондарё вилоятида 20 та иш ўрни яратилди ва уларнинг доимийлиги ҳудудий бирлашмаларнинг Хотин-қизлар комиссиялари томонидан назоратга олинди. Эзгулик йўлидаги бу каби тадбирлар оилани янада мустаҳкамлаш, аёл зотига, авваламбор, оналарга чексиз меҳр ва эҳтиром нишонасидир.

— Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, аёл қачон ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса. Бу ҳақиқат фаолиятимизда асосий мезонга айланган, — дейди ЎзКУФнинг Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова. — Аёлга эътибор уни жамиятга боғлайди. Меҳнатидан ёлчиган, меҳнати муҳофазаланган, оиласи тинч ва соғлом аёл ишлаб чарчамайди. Шуни ҳисобга олиб жамоа келишувлари ва шартномаларини тузишда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга иш жойларида соғлом ва хавфхатарсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, иш билан таъминлаш, дам олишини ташкил қилиш ва соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

ЎзКУФК томонидан Фридрих Эберт фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иштирокида Самарқанд шаҳрида ташкил этилган «Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги халқаро семинар бу борадаги ишлар эътирофи бўлиши баробарида кўплаб хайрли ишларга даъват этганлиги бор гап.

Дарҳақиқат, 21-22 ноябр кунлари ташкил этилган ушбу Халқаро семинарда Беларус, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон Республикалари касаба уюшмалари вакиллари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг эксперти иштирок этди. Анжуманда мамлакатимизда хотин-қизларга яратилган беқиёс имкониятлар қатори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар қайд этилди. Хусусан, Бош келишувга, ундан келиб чиққан ҳолда тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда жамоа шартномаларига аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатларга оид алоҳида бўлим киритилгани, улар ижросининг таъминланиши доимий диққат-эътиборда эканлиги таъкидланди.

Мазкур локал ҳужжатлар орқали хотин-қизлар учун қатор имтиёз ва кафолатлар яратилаётгани тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Харри Таллига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида фаолият кўрсатаётган Хотин-қизлар кенгаши ҳамда комиссиялари ишини юқори баҳолади.

Хотин-қизлар кенгаши аъзолари ҳам бир қатор халқаро ва республикада ўтказилган конференцияларда, семинар ва давра суҳбатларида иштирок этиб, мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида имтиёз ва кафолатлар ўрнатилгани, шунингдек, меҳнат соҳасида амалий натижага эга бўлган жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқот йўлга қўйилган бўлиб, касаба уюшмаларига ходимлар, хусусан, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси таъминланиши учун кенг ҳуқуқ берилганлигини алоҳида ғурур билан таъкидлашмоқда.

Федерациянинг Хотин-қизлар кенгаши аъзолари сентябр-октябр ойларида ўтказилган ХМТ мониторинг гуруҳидаги фаол иштироки ҳам ўзига хос воқеага айланди.

Ҳудудий бирлашмаларнинг Хотин-қизлар комиссиялари томонидан жойларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 103-, 138- ва 182-сонли Конвенциялари ва улар асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган тадбирлар ҳам фаолиятнинг янада яхшиланишига хизмат қилди. Шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган Зулфия номли Давлат мукофотига номзодларни саралашда, "Энг намунали оила" кўрик-танлови, "Ораста қизлар" фестивали, "Соғлом оила — жамият таянчи" спорт мусобақалари, Аёллар спорт фестивали, "Гимнастика ҳамма учун" гимнастрада мусобақалари ҳамда "Энг намунали бошланғич хотин-қизлар қўмитаси" тадбирларида ҳамкорлик қилинди.

Ҳа, аёллар тириклик ва тараққиётнинг барҳаёт булоғидир. Улар касаба уюшмаларига аъзо бўлиб, ишлаб чиқариш жамоаларининг ҳаётига киришиб кетар экан, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга катта ҳисса қўшадилар. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш баробарида мамлакат ҳаётидаги роли ошишига ҳам имкон яратади.

Амина ҚОДИРОВА,
"Ishonch" мухбири

▼ Сарҳисоб

ТАҲЛИЛ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мажлисида 2014 йил давомидаги фаолият сарҳисоб этилди.

Кенгаш раиси Назира Тоғаевани нг ҳисобот маърузасида қайд этилганидек, давр олдимизга қўяётган кенг қамровли вазифалар ҳар қачонгидан кўра шижоат кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Хусусан, ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда кўнгилли дам олишини ташкил этиш борасида эришилган ижобий натижалар оз эмас. Ўтган йил мобайнида жамоа шартнома ва келишувлари орқали 3009 нафар фуқаро ва оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаатлари турганлиги янада масъулият юклаб, ариза ва шикоятларга алоҳида эътибор қаратилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурининг бажарилиши, аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш режаси ижроси, шунингдек, 2015 йилги ижтимоий суғурта бюджетининг асосий параметрлари ўрганиб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди ва тизим олдида турган устувор масалаларга эътиборни қаратди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

***

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлисида фаолиятнинг ўтган йил якунлари ва 2015 йилдаги устувор йўналишлар атрофлича муҳокама этилди.

Мавзу юзасидан ҳудудий бирлашма кенгаши раиси Н.Пардаевнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилдики, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этишда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йил мобайнида бирлашмага 115 та ёзма, 80 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Мурожаатлар таҳлилидан келиб чиқиб, энг кўп мурожаат ва қонунбузарликлар юз берган соҳа ва ҳудудлар алоҳида назоратга олинди ҳамда вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, "Жиззахавтойўл" йўллардан ҳудудий фойдаланиш ташкилоти билан меҳнат қонунчилиги масалаларида ўқув-семинар, давра суҳбати ўтказиш ҳақида дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда ушбу бошқарув органларига таҳлилий хатлар юборилди. Йил давомида "Ишонч телефони" орқали 160 та фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Мажлисда фаолият юзасидан ўртага ташланган танқидий фикрлар муҳокама этилиб, бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Анжуманда ЎзКУФК раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлисида 2014 йил якунлари ва 2015 йилнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисни кенгаш раиси Р. Жабборов олиб борди ва кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури тадбирлари, касаба уюшмаларининг устувор йўналишлари доирасида тасдиқланган иш режаси амалда бажарилишини таъминлаш борасида бирлашма кенгаши томонидан зарур ташкилий-оммавий тадбирлар амалга оширилди.

Устав талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйишда 400 га яқин бошланғич ташкилотга, туман, шаҳар кенгашларига амалий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари ишини тарғиб қилиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича агросаноат мажмуи Янгибозор, таълим, фан ва маданият ходимлари Боғот тумани ва Урганч шаҳри кенгашларида тармоқ касаба уюшмалари фаолларининг ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Ўтган йилда юридик бўлим томонидан 110 та ёзма ва 621 та оғзаки мурожаатлар кўриб чиқилиб, аксариятининг ижобий ҳал этилиши таъминланди ва муаллифларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, "Ишонч телефони" орқали 141 та мурожаат рўйхатга олиниб, бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, бирлашма қошида "Хоразм касаба текстил" шўъба корхонаси ташкил қилиниб, 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Мажлисда муваффақиятлар билан бирга, айрим камчиликлар тилга олиниб, уларга барҳам бериш чоралари белгилаб олинди, шунингдек, галдаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Озод ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

***

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлисида тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, касаба уюшмалари туман ва шаҳар кенгашлари раислари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Мажлис кун тартибидаги биринчи масала — "Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти якунлари ва 2015 йилдаги устувор йўналишлар тўғрисида" кенгаш раиси Ғулом Сафаров маъруза қилди.

Таъкидландики, ўтган йили касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналиши ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, жамоа келишуви ва шартномаларида меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтиришга қаратилди. Имтиёзларнинг ошиб бориши натижасида ўтган йилда жамоа келишуви ва шартномалари орқали касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларидан 6177 нафарига моддий кўмак берилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма бошланғич ташкилотларининг ўқув-услубий таъминотини кучайтириш, кадрлар ва фаоллар малакасини оширишнинг янги, замонавий усулларини жорий этишга эътибор кучайтирилди. Жумладан, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг ғолиби бўлган бошланғич ташкилотлар иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида уларнинг базасида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида касаба уюшмаси аъзолик афзалликларини тарғиб этиш натижасида, 2014 йил давомида 2226 та корхона ва ташкилотда фаолият юритаётган 9708 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Фаолият давомида йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, айрим жиҳатларга алоҳида тўхталинди. Уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди.

Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев галдаги устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаолликни ошириш зарурати юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда кўрилган қатор масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

2015-yil 12-fevral, payshanba, № 21 (3526), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Озод юртнинг обод манзиллари

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди.

Бугунги кунда шаҳарлар, айниқса, қишлоқларда барпо этилган, шифтлари баланд, хоналари шинам ва ёруғ янги уйлар пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, уларни бунёд этишда замонавий қурилиш ва том ёпиш материалларидан фойдаланилмоқда, улар зарур хўжалик биноларига эга. Бундай қишлоқ уйлари сифати ва шароитининг қулайлиги билан ҳеч бир жиҳатдан шаҳардаги уй-жойлардан асло қолишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини ривожлантириш, шу йўл билан уй бекалари ташвишларини камайтириш ҳам хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасидир, дейиш мумкин. Яқинда вилоят миқёсида бўлиб ўтган ўқув-семинарнинг асл моҳияти айнан ана шу соҳага қаратилди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва республика иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида кечган тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари фаол хотин-қизлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ҳамкор идоралар вакиллари иштирок этди.

Барча шароит муҳайё

— Республикамиз бўйлаб 2012-2015 йилларда 34 минг 40 та ана шундай барча шароитга эга уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган. Уларнинг 12 мингтаси жорий йилда қуриб, фойдаланишга топширилиши лозим. 745 та намунавий уйлар айнан Навоий вилоятида қад ростлаши режалаштирилган, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова. — Иссиқ, совуқ сув ва бошқа қулайликларга эга бўлган уйда яшаш хотин-қизларимиз оғирини енгил қилиш баробарида, уларнинг шахсий юмушлари учун кўпроқ вақт топишига ҳам имкон яратади.

Шунингдек, ўқув-семинар чоғида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уй бекалари меҳнатидан унумли фойдаланиш, тадбиркор хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир долзарб масалалар аҳволи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
“Ishonch” мухбири

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, ўзгаришлардан, қурилиш ва ободонлаштириш ишларидан бошингиз кўкка етади. Айниқса, намунали уй-жойларни айтмайсизми? Юртбошимиз ташаббуси билан қад кўтараётган бу турар жойлар аҳоли турмуш даражаси юксалаётганидан, озод ва обод диёрдаги фаровонликдан дарак.

Шинам ва кўркам

2014 йили бошқа ҳудудлар қатори Яккабоғ туманида ҳам намунавий лойиҳалар асосида 60 та уй-жой бунёд этилди. Жумладан, Оқтош мавзесидаги 26 та, Шўлликқирғиз мавзесидаги 17 та, Чўмич мавзесида қад кўтарган 17 та янги уй-жойларнинг аксариятига аҳоли кўчиб кирган бўлса, баъзиларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу уйлар учун 1,46 км. электр энергияси ҳамда 0,88 км. газ қувурлари, 4,65 км. узунликдаги сув қувурлари тортилди. Уйлар яқинида маиший хизмат ва савдо дўконлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, спорт майдончалари қурилган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, юртимиздаги олис қишлоқлар ҳудудида намунали уй-жойлар қурилиши оддий иш эмас. Бу, биринчидан, қишлоқлардаги яшаш шароитини шаҳарга тенглаштириш сиёсати бўлса, иккинчидан, халқимиз ва ёш авлод турмуш тарзи, дунёқараши ҳамда фаровонлигини ошириш йўлидаги улкан қадамдир. Ҳар томонлама қулай шароитларни (иситиш тизими, газ ва электр энергияси таъминоти, кенг ва равон йўллар ва ҳоказо) ўзида мужассам этган замонавий уй-жойда яшаётган ҳамюртларимиз кайфиятида ўзгача кўтаринкилик.

— Куёвим Акромжон ва қизим Ҳусниябону намунали турар жойга кўчиб ўтгач, уй тўйига бордик, — дея ҳикоя қилади онахон Дилором Арзиева. — Илгари уй қурмоқчи бўлсак, уста ишлатиб, уни то таъмирдан чиқариб, бутлаб олгунча бир неча йил вақтимиз кетарди. Бугун эса болаларимиз тайёр уйга кўчиб киришди. Уй бўлганда ҳам замонавий таъмирдан чиққан, жиҳозланган, кўркам, кенг ва шинам.

Дарҳақиқат, невараларим кўнглидаги беғубор орзулари рўёби учун барча имконият мавжуд. Уларнинг камолини кўриб, дилим ва тилимдан шукроналик тушмайди.

Республикамизда намунали уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Хусусан, Яккабоғ туманида жорий йилда яна 62 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 50 таси Шўлликқирғиз мавзесига, 12 таси эса Қорамурча қишлоғида қад кўтаради.

Бунёдкорлик ишларида “Яккабоғ Фаровон”, “Ҳисор қурилиш”, “Абдиев Салоҳиддин” хусусий корхоналарининг қурувчилари жонбозлик кўрсатишаётир.

Акмал АБДИЕВ,
“Ishonch” мухбири

Қашқадарёлик 74 ёшли Тилак бобо Қўйлиев Бухорога — ўғли Зайниддинникига ташриф буюрди. Шехонча қишлоғида қад ростлаган намунавий уй-жойларни кўриб роса қувонди. Биринчи қатордаги сўнгги хонадон олдига келиб бироз тин олди. Ён-атрофга ҳавас билан разм солгач, қўнғироқ тугмачасини босди. Ичкаридан набиралари — Муҳриддин, Шаҳноза, Маржона, улар ортидан ўғли Зайниддин ва келини Наргизахон пешвоз чиқиб, отахонни ичкари бошлашди. Бобо набиралари ҳамроҳлигида аввал ҳовлини, кейин шинам жиҳозланган хоналарни бирма-бир айланиб чиққач, қувончига қувонч қўшилди.

Кундан кун яхши

— Болаларим, гўзал кошона муборак бўлсин! Бу жойларни кўриб, гўё афсонавий шаҳарчага келиб қолгандай бўлдим, — ҳаяжонини яширолмай гап бошлади Тилак ота тўкин дастурхон атрофида. — Шу лаҳзада ота-боболаримнинг хароба кулбаларда, ўзимнинг ёшлик чоғларим лой-сувоқ, пахса уйларда ўтгани кўз олдимга келди. Ахир бу хонадонда барча шароит муҳайё. Меҳмонхона, ҳаммом, ошхона, иссиқ ва совуқ сув, айвон, ташқарида кенг супа, экин ери, замонавий иситиш жиҳозлари киши ҳавасини келтиради.

Биз юқорида ҳикоя қилган хонадон ҳудудда бир йил ичида қад ростлаб, фойдаланишга топширилган 50 та намунавий уй-жойнинг бири. Хонадон соҳиби Зайниддин Қулиев шу қишлоқдаги мактабда ишлайди. Хонадон бекаси Наргиза Очилова моҳир тикувчи. Фарзандларнинг тўнғичи Муҳриддин Бухоро олимпия захиралари коллежи ўқувчиси. Спортнинг дзю-до, миллий кураш ва самбо турларини мукаммал ўрганаяпти. Ўсмирлар ўртасида икки карра мамлакат чемпиони.

— Ҳудудимизда 796 та хонадон мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда “Шехонча” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фазлиддин Рустамов. — Уларнинг 122 таси кейинги икки йилда бунёд этилган намунавий уй-жойлар. Қишлоқларимизни янада обод, кўркам қилишга, аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш, уларга сервис хизмати кўрсатиш доирасини кенгайтириш, оммавий спортни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларимиз ижобий самара бермоқда. Касаба уюшма ташкилотларининг кўмагини ҳам алоҳида эътироф этмоқчиман. Айни пайтда улар билан Кексаларни эъзозлаш йилида белгиланган тадбирлар режасини амалга ошираяпмиз.

Бундай ўзгаришларни Бухоро туманининг “Шехонча” ҚФЙдагина эмас, бошқа ҳудудларида ҳам кўриш мумкин. Туман ҳокимлигининг қурилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Шавкат Сатторовнинг эътироф этишича, шаҳарникидан қолишмайдиган қулай шароитларда яшаётган аҳоли пунктлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. 2010 йилда туманнинг икки аҳоли пунктида 70 хўжалик учун намунавий уй-жой қурилган бўлса, кейинчалик ушбу жараён ривожлантирилиб, ўтган йилнинг ўзида учта аҳоли пунктида қад ростлаган замонавий хонадонлар сони 200 тага етди. 2015 йилда эса 5 та аҳоли пунктида 300 та ана шундай кошоналар бунёд этиш режалаштирилган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
“Ishonch” мухбири

Бугун Андижон вилоятининг қайси бир ҳудудида бўлманг, катта йўл юзида маржондай терилган, кўркам иморатларга кўзингиз тушади. Яқин йилларда ҳам бўш ётган майдонлар, пана-пастқам бинолар ўрнида қад ростлаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш билан бирга, юрт ободлигига, аҳоли турмуш фаровонлиги ортишига хизмат қиляпти.

Фаровонлик сари

Ўтган йили вилоятнинг 31 та қишлоқ массивида 977 та ана шундай уй-жой барпо этилди. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Шу билан бирга, массивларда сервис ва маиший хизмат дўконлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига мўлжалланган замонавий гузарлар фойдаланишга топширилди. Мамлакатимиз мустақиллиги арафасида уй тўйлари нишонланган хонадонларда бугун болажонларнинг шодон кулгуси янграяпти...

Жалақудуқ туманининг Янгисор қишлоғида бунёд этилган шундай иморатларнинг бирига “Мезон тонг шаббодаси” фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулло Қўчқоров кўчиб кирди. Бугун оила аъзоларининг қувончи бир олам. Замонавий, шинам ва яшаш учун ҳар томонлама қулай уй-жой замонавий жиҳозлар билан безатилган. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси ҳавасингизни келтиради.

— Иморат тиклаш қанчалик машаққатли юмуш эканини бошидан ўтказган одам яхши билади, — дейди Ҳабибулло ака. — Илгари томорқага ер олиш учун одамлар йиллаб навбат кутганини катта авлод вакиллари яхши эслашади. Намунавий уй-жойлар халқимиз орзу қилган эзгу ниятларнинг рўёби бўлди.

Истеъфодаги полковник Азимжон Собиров тўрт йил илгари Олтинкўл туманида барпо этилган янги уйларнинг бирини харид қилганди. Шаҳар уйларидан қолишмайдиган шароитларга эга хонадон оила аъзоларига ҳар жиҳатдан маъқул келди. Улар маслаҳатлашиб, ўтган йили яна битта шундай уйга буюртма беришди.

Жорий йилда биргина Олтинкўл туманида намунавий лойиҳалар асосида уч ва тўрт хонали 210 та уй-жой барпо этилади. 15 та қурилиш жамоаси томонидан аллақачон уларнинг пойдевори кўтарилиб, ишлар жадал олиб борилмоқда. Қувонарлиси, бунёд этилажак иморатларнинг эгалари аниқ, дастлабки тўловлар амалга оширилди. Бу ҳам бўлса, тобора гўзал ва фаровон яшашга интилаётган халқимизнинг янги уйларнинг афзалликларини тушуниб бораётганидан далолат.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
“Ishonch” мухбири

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизни модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароити яратиш энг эзгу мақсадга айланди. Йилдан-йилга аҳолининг фаровонлиги ортиб, ҳудудларда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами кенгаяётгани бунинг далилидир.

Намунавий уйлар учун янги лойиҳалар

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уч, тўрт ва беш хонали уйлар қурилмоқда. Янги уйлар халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, маҳаллий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан уйғун, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай ҳолда барпо этилаётгани юртдошларимизга маъқул келмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича мақсадли давлат дастури амалга оширилмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилгани алоҳида қайд этилди.

Бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда мамлакатимиз молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки бош режа асосида қишлоқлар қиёфаси ва аҳолининг уй-жой шароити сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда банк аҳолига кенг қулайлик яратиш мақсадида намунавий уй-жойларни сотиб олиш учун бошланғич бадални йиғишда ёрдам берадиган қатор омонат турларини таклиф этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги “Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори бунда дастуруламал бўлаётир.

— Банкимизда миллий ва хорижий валютада қирққа яқин қулай омонат тури жорий этилган, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк”нинг омонатчилар ва кредиторлар маблағларини мониторинг қилиш бошқармаси етакчи мутахассиси Ғайрат Жуманиёзов. — “Хонадон” омонати улардан бири бўлиб, миллий валютадаги бу омонатга намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун мўлжалланаётган лойиҳа қийматининг 25 фоиз миқдоригача дастлабки бадал йиғиб борилади ва 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади. Дастлабки қўйилган омонат суммаси устига Бироқ банкка мазкур турдаги омонатнинг қабул қилиниши, уй-жой қуриб беришга доир буюртманома қабул қилинди дегани эмас.

“Қурилишга бошланғич бадал” омонати қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун дастлабки бадалларни жамғариш мақсадида жорий қилинган бўлиб, омонат ва унга ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси ҳисобрақамига ёки омонатчининг талаб қилиб олингунча омонат ҳисобрақамига кўчирилади.

“Мадад” омонат тури ҳам намунавий уй олган фуқаролар учун жорий қилинган. Йиллик 26 фоиз миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланадиган мазкур омонат миллий валютада, нақд пулда ёки иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадларни нақд пулсиз кирим қилиш орқали қўйилиши мумкин. Омонатчи ўз пул маблағларини шартнома муддати тугагунга қадар шартномада келишилган шартлар асосида борда. Омонат ҳисобварақлари, депозит сертификатлари бўйича олинадиган даромад ва ютуқлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган ва уларнинг тўлиқ ҳажмда қайтарилиши давлат томонидан кафолатланган. Депозитлар бўйича операциялар банк сири сифатида таснифланиб, унга қатъий риоя қилиниши устидан назорат ўрнатилган. Омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаби билан қайтариб берилади.

Ҳар бир шахс оиласини моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлашни истайди. Мазкур омонат турлари ҳам бошқа омонатлар каби банк тизимига аҳолининг ишончини мустаҳкамлаб, эзгу мақсадларга атаб пул маблағлари жамғаришга кўмаклашади. Шакллантирилган оила бюжети намунавий лойиҳалар асосида қурилган кўркам, қулай ва шинам уй-жой харид қилишда қўл келиши шубҳасиз.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Болалар спорти • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

Баркамол авлод — келажак пойдевори

Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш — бизнинг бурчимиз.

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзлаганда

2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Юртбошимиз жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уларни ўзи қизиққан спорт турларига кенг жалб этиш, спорт мажмуаларида барча зарур шароитларни яратишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик қанчалар самара бераётганини бугун ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари соҳа ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 мактаб спорт зали барпо этилди, 24 та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2014 йил мамлакатимизда бадиий ва спорт гимнастикаси, таэквондо, эркин, юнон-рум ва аёллар кураши, дзюдо, теннис каби олимпиада таркибига кирган ўнга яқин спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақалари юқори савияда ўтказилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда икки миллионга яқин ўғил-қиз спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчасида янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт заллари мавжуд. Коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан тўлиқ таъминланган. Ўқув муассасаларидаги жисмоний тарбия дарслари белгиланган жадвал ва меъёрлар асосида ташкил этилмоқда. Болалар дарсдан бўш вақтларини спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, гимнастика марказларида ўтказиш имконига эга.

Исмига муносиб йигит

Юртимиз ёшлари кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатларида юксак натижаларга эришмоқда. Ёш боксчи Бектемир Меликўзиев шулардан бири.

Бектемир Меликўзиев 1996 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Оиладаги муҳит туфайли Бектемирда спортга қизиқиш эрта уйғонди. У 10 ёшидан бокс сирларини ўргана бошлади.

Шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда тобланган боксчи халқаро майдондаги илк ғалабасини 2012 йили Озарбайжонда қўлга киритди. Шундан сўнг Сербия, Таиланд ва Россияда ташкиллаштирилган халқаро мусобақаларда совриндорлар сафидан жой олди.

2014 йилги спорт мавсуми ёш боксчимиз учун янада омадли келди. Бектемир дастлаб Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Апрел ойида Болгариянинг София шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида олтин медал соҳибига айланди. II ўсмирлар Олимпиадасига йўлланма олди.

Шунингдек, юртимиз ёш спортчилари учун ўзига хос тажриба мактабини ўтаб бераётган, "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинларида ғолиб бўлди.

Мазкур мусобақаларда тўпланган бой тажриба, ғалаба иштиёқи Нанкинда ўтган II ўсмирлар Олимпиадасида вазни 69 кг. гача бўлган спортчилар баҳсида Бектемирга шижоат бағишлаб, шоҳсупага чорлади. Боксчимиз ярим финалда беларуслик Иляс Адзинаевни техник нокаутга учратди. Финалда Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланони 3:0 ҳисобида енгиб, олтин медални қўлга киритди.

— Юртбошимиз томонидан спортга ва биз — ёшларга берилаётган катта эътибор барчамизни юксак марралар сари ундайди. Мусобақаларда ғалаба қозонишимда халқимизнинг ишончи, мураббийларнинг маслаҳати ва қўллаб-қувватлаши асосий куч бўлмоқда. Келгусида бундан-да юқори натижаларга эришиб, Ватанимиз шарафини янада юксалтиришда бор кучим ва маҳоратимни ишга соламан, — дейди у.

— Ўғлимнинг ғалабалари замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратиб берилгани ётибди, албатта. Ҳар бир ота сингари мен ҳам фарзандимнинг бундай муваффақиятларидан қалбимда чексиз ғурур туяман, — дейди Бектемирнинг отаси Рўзматжон Сулаймонов.

Сўровнома натижаси

Ўтган ойда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Болалар спорти: фикрлар, омиллар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болалар спортини оммавий умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Сўров маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси спортни сиҳат-саломатлик, соғлом турмуш тарзи, жисмоний ва маънавий баркамоллик манбаи деб ҳисоблайди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, спортнинг аҳамияти, биринчи навбатда, унинг навқирон авлод саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Респондентлар спортчиларимиз эришаётган ютуқлар туфайли қалбларида фахрланиш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғулари кучайиб бораётганини таъкидлади.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, аҳолининг аксарияти футбол, яккакурашлар, енгил атлетика, гимнастика, теннис, оғир атлетика, сузиш, ўқ отиш каби спорт турлари билан шуғулланмоқда. Сўров, айниқса, ёш авлод вакиллари спорт билан доимий равишда шуғулланаётганини тасдиқлади. Сўровда иштирок этганларнинг 60,6 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланса, 23,4 фоизи спорт машғулотларига қатнайди.

Иштирокчиларнинг 96,7 фоизи мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шароитлар яратилган, деб ҳисоблайди. Аҳоли учун замонавий спорт мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг жорий этишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш лозим, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ўғил-қизларни болаликдан спортга ошно этиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонади. Бундан ташқари, спортга қизиқувчи болалар, респондентларнинг фикрича, ўқишда ҳам фаол бўлади. Спорт билан шуғулланиш ёш авлодни зарарли иллатлар ва салбий таъсирлардан сақланишига ёрдам беради.

Натижалар шундан шаҳодат берадики, умумэътироф этилган уч босқичли спорт ўйинлари тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг кўламда жалб этишда муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз Президенти томонидан белгиланган болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этиш вазифасига тўлиқ жавоб беради ҳамда ўқувчилар орасида спорт билан шуғулланувчилар мунтазам ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Сўров фуқароларнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти тўғрисида хабардорлик даражаси юқори эканини кўрсатди. Иштирокчиларнинг кўпчилиги (95,1 фоиз) ушбу жамғарма фаолияти илғор халқаро тажриба асосида болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилаётганини таъкидлаган.

Мустақиллик йилларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида спорт Ўзбекистон ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, бу турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Сўров натижалари бу борадаги ютуқларни яна бир бор тасдиқлади: мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сўровда иштирок этганларнинг катта қисми (95 фоиз) юртимизда болалар спорти оммавий тус олганлигига ишонади.

Тадқиқот натижалари болалар спортини ҳар томонлама ривожлантиришга доир ташаббуслар ва бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юртимиз фуқаролари томонидан маъқулланаётганини яққол намойиш қилди: сўров қатнашчиларининг 98,7 фоизи Давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳадаги стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ислоҳотлар таянчи

Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири, келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирлар бугун ўз самараларини бермоқда. Юртимизда ана шундай баркамол авлод вояга етаётир.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

"Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Хулоса ўрнида

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди.

Зеро, болалари соғлом мамлакат келажакка ишонч билан дадил одимлар ташлайди. Бундай фарзандларга эга юртнинг доимо қадди тик, зафарлари эса улкандир.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

ЎзА суратлари

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!
«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 27 январ куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 03.02.2015 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 09.02.2015 йилдаги 162-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги бино ва иншоотлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Тошкент вилояти Қибрай тумани, Матқобулов ҚФЙ, Дўрман қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер майдони 0,8467 га, қурилиш майдони 678,82 кв.метрдан иборат бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 288 451 800 (Икки юз саксон саккиз миллион тўрт юз эллик бир минг саккиз юз) сўм.

2-ЛОТ. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Жануби-Ғарбий саноат ҳудуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 2 840,0 кв. метр, қурилиш майдони 1 892,72 кв. метрдан иборат бўлган (цех биноси, омборхона БЛОК Е, бино БЛОК К, навес БЛОК К1, навес БЛОК К2, ҳожатхона, навес) бино ва иншоотлари биргаликда мужассам ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 726 817 500 (Етти юз йигирма олти миллион саккиз юз ўн етти минг беш юз) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 6 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 27 январ кунидаги савдо учун 2015 йил 26 январ кунига қадар, 2015 йил 6 мартдаги савдо учун 2015 йил 5 март кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChj, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChj. Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: (0 371) 233-21-18. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, **Хизматлар лицензияланган.**

Аукцион савдолари хабарномаси!
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб борувчи тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 17 март куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро тумани молия бўлимининг 06.02.2015 йилдаги № 04-04-26-сонли буюртмасига асосан бўлим ҳисобидаги 2004 йилда и/ч ГБА СНГ MATIZ русумли д/р 80/ 946 UAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат миқдори мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорни ташкил қилади.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида ғолибга 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali. СТИР 302523082, МФО 00115, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулк билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:45
Topshirildi — 00:30

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 215

20536 nusxada bosildi

1 2 3 4 6